



ҚИЗОТА (ЁШЛИК II) МАЙДОНИНИНГ ГИДРОГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

Турдиев Шаҳбоз Шермамат ўғли¹, Комилов Ботир Асқар ўғли²,
Раббимов Жаҳонгир Шодмонкулович³, Бўриев Сардор
Сайфуллаевич⁴, Азимов Азамат Фахриддин ўғли⁵

¹ҚарМий “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси”|
кафедраси мудири тфд. (PhD)

^{2,3}ҚарМий “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси”|
кафедраси ассистенти

⁴ҚарМий “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси”|
кафедраси стажёр-ўқитувчиси

⁵ҚарМий “Фойдали қазилмалар геологияси ва разведкаси”|
кафедраси 4-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7180185>

ARTICLE INFO

Received: 01st October 2022

Accepted: 05th October 2022

Online: 10th October 2022

KEY WORDS

лавобрекчия, туфлар,
порфирлар, сувайргич,
гидроквробнат, сульфатли
сувлар.

ABSTRACT

Мамлакатимиздаги рангли металлар маркази ҳисобланмиш АЖ “Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг салоҳияти ва истиқболи катта. Бугунги кунда ушбу комбинатнинг хом-ашё базасини кенгайтириш ва ошиб бораётган талабни қондириш мақсадида Республикаимиздаги мавжуд давлат геологик ташкилотларининг олдига катта талаблар қўйилмоқда. Шу мақсадда янги конларни аниқлаш уларни батафсил ўрганиш, баҳолаш ва разведка ишларини олиб боришга эҳтиёж пайдо бўлмоқда.

Бугунги кунда таҳлил қилинаётган майдонда дастлабки баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ишлар жараёнида геологик қидирув усуллари қулланилмоқда. Хусусан халқали бурғулаш ишлари орқали маъдан таналарининг фазовий чегаралари аниқланиб мадан миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланмоқда. Ушбу майдон гидротермал олтинга истиқболли ҳисобланади.

Олтин элементи давлатимизнинг асосий ер ости бойликларидан бири ҳисобланади. Ушбу майдон ҳам олтин қимматбаҳо металига истиқболлидир. Ўзининг физикавий хусусиятларига

кўра уни заргарликда ва электротехникада фойдаланилади.

Ушбу малакавий битирув ишимда майдондаги олиб борган ишлаб чиқариш амалиётим даврида кўриб ва ўқиб ўрганганларимни талқин қилдим. Кўрсатиладиган маълумотлар ва кўрсаткичлар бугунги кунда олиб борилаётган ва олдинги олиб борилган ишлар асосида таҳлил қилинган.

Қизота кони маъмурий жихатдан Тошкент вилояти Охангарон туманида, Ангрен дарёсининг сўл оқими ҳисобланган Олмалиқ дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Орографик жихатдан Қўйикенжасой шимол



томондан ясси қияли юзага келган Қурама тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларида жойлашган. Улар дарё ўзанлари ҳамда аксарият ҳолларда шимоли-ғарбий йўналишдаги ирмоқлар билан кесиб ўтилади. Барча ирмоқлар баҳор, куз ва қиш мавсумларида тўлиб оқади. Майдоннинг мутлоқ баландликлиги 800м дан 1300м гача ўзгаради. Майдоннинг тоғ ёнбағирлари 60-70% ни ташкил қилади.

Худуднинг иқлими кескин континентал. Жазирама ёзда 42°C гача (июль ойи) қиш мавсумида эса -20°C гача (январь-февраль ойлари) ҳаво харорати кузатилади. Йиллик ўртача ёғингарчилик 338,8мм дан 511,2мм гача ўзгаради. Ёғингарчиликнинг асосий қисми куз-қиш мавсумларида ёғади ва ёмғир-хўл қор орқали намоён бўлади.

Майдондаги гидрогеологик вазият ҳақидаги маълумотлар 1968-1991 йилларда олиб борилган разведка ишларидаги жараёнидаги гидрогеологик кузатишлар орқали олинган.

Ўрганилаётган майдонда туфлар, лавобрекчиялар ва андезит таркибли, андезит-дацитли порфирлар, кремнийли бўлакли охактошлар, доломитлар вулканоген ва карбонат жинслардаги ёриқли-грунт сувлар кенг тарқалган. Ёриқли сувларнинг ётиш чуқурлиги 120-170м да маъданли майдоларнинг сувайиргичлар устки қисмларида, айиргичлар орасидаги худудда эса ер юзасига яқин келади. Ушбу маълумотлар қидирув скважиналари орқали олинган.


Булоқларнинг дебити 0,3л/с ни ташкил қилади. Ер ости сувларининг сувга кам бойигани Марказий Кавулди

ер ости тоғ ишланмалари орқали кузатилган. Ер ости сувларини намуналовчи қатлам ўлчовчи ускуна (пластоиспкрателем) ИГГ-1 орқали Южный-1 участкасида олинган маълумотларга асосан сувли гаризонтларнинг сарфи 0,25-0,5л/с, геологик кесим учун фильтрация коэффициенти 0,007м³/сут. ни ташкил қилади.

Жинслар ер ости сувларини суст ўтказувчи ва суст сувлашган сифатида таснифланади. Майдондаги барча участкаларнинг гидрогеологик параметрлари бир-бирига жуда яқин. Агарда Қуйикенжасой участкасини 700м ни горизонтда қазиб олинса ер ости сувларининг сарфи 24л/с ни ташкил қилади.

Юқоридаги мавжуд Каулдисой ва Олмалиқсой сув хавзаларидаги сувлар жинсларнинг суст сув ўтказувчанликка эгаллиги, уларнинг қалинлиги етарличалиги сабаб ер ости ишланмаларига зарар етказмайди.

Кимёвий таркибига кўра ёриқли-грант сувлари майдонда гидрокарбонат ва сульфатли ҳисобланади. Минерализация миқдори 0,4-4,6 г/л, РН-8,2, сульфатларнинг миқдорий кўрсаткичи 750-900 мг экв/л ни ташкил қилади. Ушбу сувларнинг захираси жуда кам ва саноат миқёсида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас ёки ишлатиб бўлмайди. Ўрганилаётган худуддаги гидрогеологик вазият К.А.Плотиков таснифига кўра – оддий. Ишлаб чиқариш жараёнида ушбу ер ости сувлари ишлатиб бўлмайди ва бунинг ечими Олмалиқсой каби сойларнинг сувларини ишлатиш бўлади.



1-расм. Олмалик тоғ-кон хуудининг геологик харитаси

References:

1. Бетехтин А.Г., Голиков А.С. Курс месторождения полезных ископаемых. Издательство «Недра», 1964 г.
2. Дорохин И.В., Богачева Е.Н. и др. Месторождения полезных ископаемых и их разведка. Издательство «Недра», 1969 г.
3. Вахромеев С.А., Антипин В.Н. и др. Краткий курс месторождений полезных ископаемых. Издательство «Высшая школа», 1967 г.
4. Смирнов В.И. Геология полезных ископаемых. Издательство «Недра», 1969 г.
5. Татаринов П.М., Карякин А.Е., и др. курс месторождений твёрдых полезных ископаемых. Издательство «Недра», 1975 г.
6. Геология полезных ископаемых Узбекистана. Издательство «Фан», 1998 г. Ташкент. Университет.
7. Рудные месторождения Узбекистана. Издательство «Фан», 2002 Ташкент. ИМР
8. Раббимов Ж.Ш., Дононов Ж.У. Tabiiy gazni dastlabki tayyorlashda jihozlarning ishonchliligiga erishish // Oriental Renaissance: Innovative, Educational, Natural and Social Sciences Scientific Journal. Volume 2 Issue 3 ISSN 2181-1784 Impact factor:5.947 Узбекистон 2022/03 <https://www.oriens.uz/uz/journal/article/tabiiy-gazni-dastlabki-tayyorlashda-jihozlarning--ishonchliligiga-erishish/>
9. Турдиев Ш.Ш., Раббимов Ж.Ш. Qatlamdan kelayotgan oqimni jadallashtirish maqsadida qatlamga kislotali ishlov berish (Murodtepa maydoni misolida) // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Узбекистон 2022/03/12 <https://zenodo.org/record/6480734#.YoyFptxBxdg>



10. Комилов Б.А., Раббимов Ж.Ш. Qizota (Yoshlik-II) maydonining tektonik tuzilishini o'rganish // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH Ўзбекистон 2022/04/15 <https://zenodo.org/record/6480734#.YoyFptxBxdg>
11. Раббимов Ж.Ш. Uglerodli po'latlarning konstruktiv mustahkamligini va korroziyaga bardoshlilikini oshirish // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(8), 227–234. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7045370>
12. Раббимов Ж.Ш., Комилов Б.А. Murodtepa maydonida o'tkazilgan sinov ishlarining natijalari // EURASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH, 2(9), 20–27. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7053971>
11. Турдиев Ш.Ш. Oil and gas perspectives using the screw bar pump // Web of Scientist: International Scientific research journal. ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 8, Aug., 2022 Pp-377-383.
12. Турдиев Ш.Ш. An overview of the results of field studies of the effect of lowering the bottom hole pressure below the // Galaxy international interdisciplinary research journal (giirj) issn (e): 2347-6915 vol. 10, issue 8, aug. (2022) Pp.184-191.